
Расмий муносабат

Блогер Нигора Алимованинг Фейсбук ижтимоий тармоғидаги саҳифасида Ўзбекистон тумани Шакаробод МФЙда истиқомат қилувчи Ихтиёр Акбаралиевнинг тумандаги собиқ иқтисодиёт коллежи биносида хусусий мактаб ташкил этиш юзасидан мурожаати эълон қилинган.

Мазкур мурожаат юзасидан Ўзбекистон тумани ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Фуқаро И.Акбаралиев дарҳақиқат, 2021 йил 23 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.Исломов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон туманида ўтказилган оммавий сайёр қабулда иштирок этиб, Ўзбекистон тумани собиқ иқтисодиёт коллежи биносида хусусий мактаб ташкил этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат ижросини амалдаги тартиблар асосида ҳал этиш ва назоратга олиш юзасидан туман ҳокимлигига томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, фуқаро И.Акбаралиевнинг мурожаат юзасидан мазкур бинонинг сақловчиси ҳисобланган Фарғона политехника институти Ў.Р.Саломовга балансда сақловчи сифатида ўз муносабатларини билдиришларини сўраб туман ҳокимлигининг 27 апрел кунги 04-13/182-сонли хати юборилган.

Туман ҳокимлигининг алоқа хатига жавобан эса, Фарғона Политехника институти ректори Ў.Р.Саломовдан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги ПҚ-4771-сонли қарорига мувофиқ Ислон МФЙда жойлашган институт балансидаги собиқ иқтисодиёт коллежи биносидан ўрнатилган тартибда ижара шартномаси асосида фойдаланилишига эътирози йўқлиги” мазмунидаги жорий йилнинг 21 май кунги №01-942-сонли жавоб хати келган.

Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан 2021 йил 3 май куни бўш турган бинолардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилоятининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Рахмоновга Ислон МФЙ Ғанибой Тусматов кўчаси 147 уйда жойлашган мазкур коллежнинг 1000 кв.м иборат бўш турган қисмида ижара асосида хусусий мактаб очиш учун тадбиркорларга берилишида амалий ёрдам сўраб 01-14/329-сонли алоқа хати юборилган.

Фуқаро И.Акбаралиевнинг мурожаати юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда ижара шартномаси асосида ҳужжатлар расмийлаштириш ишлари амалга ошириладиган бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5140-сон Қарори қабул қилиниб, мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Ўзбекистон туманидаги 450 ўринга мўлжалланган собиқ “Ўзбекистон иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи” Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган ҳамда эндиликда мазкур бинода Ўзбекистон, Фурқат, Бешарик туманлараро касб-хунарага ўқитиш маркази ташкил этилиши белгиланган.

Шундай бўлсада, фуқаро И.Акбаралиевга туманда бўш турган (фойдаланилмаётган) бино ва иншоотларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида хусусий мактаб ташкил этиш учун e-ijro-auksion электрон портали орқали олиши мумкинлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонида мувофиқ маҳаллий ҳокимлик органларини тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга ер ажратиш ваколатлари бекор қилинганлиги тушунтирилиши билан биргаликда, фуқаронинг мурожаати ижобий ечим топиши юзасидан қонунчиликда кўзда тутилган амалий маслаҳатлар ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

2021-07-12 21:01:11